



(Адабий мувохаса)

Шеър ва шоирлик деган сўзлар бизда янгигина бир нарса эмас. Турк улуси ўз борлигини очунга кўрсаткади шеър ва шоирликни билибгина келганлар. Хар ким ишонадирким, турк улусининг борлиги ва маданийлиги араб келгач бошланмаган. Турклар Олтой теграсинда маданият куруб, ҳукумат ясаб, тинчгина яшаб турганда арабларнинг Арабистондаги холларини, эҳтимолким, ўзлари ҳам билмас эдилар. Маданий бир улуснинг шеърсизлигин сўйламак эса, гапуруб турган бир кишининг жонсизлигини ишонмок каби кулинчдир.

«Турклар мусулмонликдан бурун ҳам буюк маданий донгли бир кун кечирганлар». Мана бу сўзни қабул қилдикми, «Туркларнинг мусулмонликдан бурун ҳам шеърлари, шоирлари, адабиётлари бор эди» демакдан ўз бошимизни кутқара олмаймиз. Ўзбек, тотор, қирғиз, туркман орасинда турк оди каби унутилмас бир йўсунда бу кунгача яшаб келган чўбчаклар, маталлар, эртақлар, ўлан ва лапарларнинг хар бирини эшитиб юрамиз.

Туркман, қирғиз эллариндаги наврас кишилари, қичкина болалар, ўқув, ёзув билмаган халқнинг қизларининг сўз усталиклари борлигини билиб турамыз. Мана шунларнинг хар бири турк эски адабиёт мадрасасиндан тушуб қолган баҳоли тошлардан бошқа нарса эмасдир. Улус ора оғиздан-оғизга айланиб юрган чўбчаклардан яхшигина онглашилурким, турк эски адабиёт мадрасасинда севги ва ошиқдан бошқа фалсафа, ҳикмат ва ахлоқдан ҳам қўб нарсалар бор экан.

Эсиз, мингларча эсизким, араб келгани сабабли эски турк адабиётининг буюк ва баҳоли излари сўлинди, йўқолди қетди. Зийрак, тиришган, чидамли, онгли хар ишнинг қетини тушунган араблар қайси ўлкани босиб олганда энг кўп шул ўлканинг эски дини, эски тили, эски битиклари, эски асарларини битирурга тушар эдилар. Биз турклар араб босқини билан ўз харфларимиз ва ўз ёзувимизни йўқотгандан кейин ўз адабиёт ва шеърларимиздан ҳам айрилишимиз табиий эди. Мана шу айрилиш сабабли қўб керакли нарсаларимизни йўқотдик. Эски адибларимизнинг шеър ва шоирлик тўғрисида қандай йўллари, қандай қарашлари бор эди, бунларни билмаймиз. Бунлар йўқолган, қўлимиздан қикқандир. Эски турк адабиёти тўғрисида очик ва етарлиқ билгиларимиз йўқдир.

Адабиётимизнинг икинчи бўлими мусулмонликдан бошланадир. Адабиётимизнинг бу бўлими учун керак бўлган негизлар ва тамалларни бизга Эрон орқали араблар юборганлар. Биз мусулмонликдан сўнг адабиёт йўлларини ияручилиқдан сира қутултира олмаганмиз, адабиёт йўлларинда энг қатта ҳунаримиз кўпрақ эронлиларга, ундан кейин арабларга иярмак бўлган. Адабиёт йўллариндаги бу ияру-чилигимизнинг кўзга кўринур ерларини қизиқ ўтайлик.

Сўнгги араб адиблари шеърни «қаламу муваззанин муқафганин» дея таъриф қила(р) эдиларким, «ваззли, қофияли гап» демакдир. Бизнинг шоирларимиз ҳам шеърни шул

бино кабул этдилар. Шунинг учундирким, «вазн» ва «кофия»си бўлган турли маънисиз сўзларнинг шарафина ишонган сайин шеърнинг хакикатиндан узоклашиб колдилар. Етти-саккиз сўзни билгили бир вазнда тизиб, кетинда билгили бир сўзни кофия кўймок билан шеър орасинда ердан кўккача айирма бордир. Шеърда кишиларнинг конини кайнатгучи, сингирларини ўйнатгучи, миясини титраткучи, сезгусини кўзгатгучи бир куч, маънавий бир куч бор. Шундай бир кучи бўлмаган сўз вазн ва кофияси бўлсун шеър бўла олмайдир.

Юкорида дедикким, шеърни «вазли, кофияли сўз» деб таъриф этканлар. Арабнинг сўнг адиллари дейдилар: бу сўз тўғридир. Арабнинг ясама шоирлари бўлган мантик илмлиси шеърни янглиш йўлда таъриф килганлар. Арабларнинг чин ва табиий шоирлари бўлган жоҳилият шоирлари эсалар, шеърни бу маъно билан онгламаган эдилар. Тарихи исломни ўқуган мактаб болалари ҳам биларким, араблар Куръон оятларина карши «хува ковлу шоир» (ва шоир сўзидир, шеърдир) деган эдилар. Куръон «Ва ма хува биковли шоир» (бу шоир сўзи эмас, шеър эмас) деб сўзларини кайтарган эди. Табиий шоир бўлган жоҳилият шоирлари шеърни «вазн» ва «кофия»ли сўз деб билган бўлса эдилар, «вазн» ва «кофия»си бўлмаган Куръон оятларини «шеър» демас эдилар. Биз ҳам шеърни «вазн» ва «кофия»дан иборат (деб) билиб турганча чин шеърга якинлаша олмаймиз. Талабимиз килган каби «шароб, жом, хумор, хол, хат, кош, кўз, гул, булбул» сингари ўн-ўн беш сўзни билгили вазн тизиб, «ол, хол, хол» каби сўзларни «кофия» килармиз-да, ўзларимизни шеър ёзган атаб ўтуб кетармиз. Холбуким, шеър бошка, «кофия» билан «вазн» бошқадир. Ўйла эса «шеър» надур?

Биласизким, хар биримизда жон ва онгимизни теграмиздаги нарсалар ва ходисалардан чорландуруб тургучи «беш сезгич» (хаввоси хамса) бордир. Жонимиз шул беш сезгич оркали дунёнинг ўз теграмизга эришкан нарса ва ходисаларни билиб тура(р) ва хар бирисиндан кайги, севинч, кўркув, кизиш, кайнаш каби сезги ва туйгилар оладир. Кишининг корли совук бир кунда йиртик чопонли, кўк бетли, ок соколли бир тиланчи бобонинг ўрнида йикилиб колганини кўрганда юрагимиз сезгисиз коларми? Шундаёк ёп-ёлгуз бу йўлда бир кишининг яраларига ўралиб, конларига беланган ўлукни кўйуб кочар; бири ўлукнинг бошига тутуб, унинг бўялиб ёткон гавдасини кўрганда хар ким ўзига яраша бир нарса сезар: бири буюк бир кўркув билан холига йиглар; бири чукур козиб кўмар; бири эса ул яралар гавдани кўргач, кони кайнаб кетар. Бу ишни килган виждонсиз йирткичларни топуб ўлдирмак учун хар ён чопар. «Шеър» юракимизда хосил бўлган ана шундай сезгиларни хунарлича сўзлар билан бошқаларнинг юрагига ўткармакдир. Шоир теграсиндаги нарса ва ходисалардан олдиги сезгиларни хунарлича (хидматкорона) сўзлар билан бошқаларга ўткармакчи бўладир. Кишининг юраги канча «сезагон» (мутахассис) эса, шунча яхши шоир бўлар. Шоирлик учун юракда бир сезги ва у сезгини хунарлича сўзлар билан бошқаларга ўткаргучи бир куч керакдир. «Кофия» билан «вазн»нинг эса, шеърнинг хакикатига таъсири йўқдир. Бир неча кишилар шеър учун «хунарлича сўзлар»нинг ҳам тейишлигини инкор кила-лар. «Шеър юракдаги сезги тўлқунларини сўз оркали ташқарига тўкмакдир» дейдилар. Бу караш бир оз ифротдир. Шеърнинг бир санъат бўлганлигини кабул эткандан кейин бу карашнинг ахамияти колмас, айникса, биз каби «чин шеър ва санъат» очуниндан узокдашганлар эсимизга келган хар бир сўзни «юракимиздаги сезги тўлқунлари» гумон килиб ташқарига ота берсак, Тангри кўрсатмасун, ўқучиларимиз кочарга йўл тополмай коларлар..!

Шеър ики турлидир: манзум шеърлар (тизим шеърлари), мансур шеърлар (сочим шеърлар). Тизма сўзлар билан шеър сўйламак бўлгани каби сочик сўзлар билан ҳам

шеър сўйламак бўлар. Сочик шеърлар (мансур шеърлар) учун «вазн» ва «кофия»нинг тейишлиги бўлмаса ҳам сўзларнинг хунарлича (санъаткорона) бўлиши тейишдир.

II

Ўткан маколамизда шеърнинг «нималиги»ни (мохиятини) айткандан кейин ики турлилигини кўрсатдик. Ики турли шеърдан сочим шеър тўгрисида кискагина гапуруб, тизим шеър тўгрисиндаги сўзни икинчи маколага кўйган эдик. Тизим шеърларининг ойдин ва очик бир сифати «вазн» билан «кофия»дир. Биринчи маколада «вазн билан кофия-нинг шеърни ўқитурга таъсирлари йўқдир» деган эдик. Бу ерда эса, тизим шеърда вазн ва кофиянинг кераклигини сўйлармиз. Вазн билан кофиянинг шеърга таъсири йўқдир, вазн ва кофияси бўлмаган кўп шеърлар бўлгани каби «шеър» бўла олмаган вазнли, кофияли сўзлар ҳам кўпдир. Шеър юрак сезгиларини кўрсатмақдир. Вазн ва кофия эса, сўзнинг «безаги» (зийнати)дир. Юракимиздаги сезгиларни тўгри бермакчи бўлсок кофиясиз, вазнсиз бир шеър (сочим шеър) ёзиладир. Шеъримизни безамакчи эсак, вазнли, кофияли шеър (тизим шеър) ёзармиз. Вазн ва кофия юракимиздаги сезгиларимизни тасвирлай олмайдир; сезгиларимизни тас-вир этучи сўзларимизни безайдир (зийнат берадир); сезгиларимизни бошкаларга ўткармак учун айтилгуси сўзлар вазнли, кофияли бўлганда мусика охангини бериб тура-дир, шунинг учун кулокка ёкимлирок келади.

Коп-коронгу бир кечада бошка бирисининг пучмогинда севгилисини кўзлаб турган бир киши шамолнинг эсиши билан япрок ва буток тебранишлариндан чиккан мунгли мусикага ияриб бир шеър айтадир. Бу шеърнинг етти-саккиз сўзи бир вазнда тизилган, бир вазнда кўринган хар сўз туркумининг огир нидо - кулокга бир турлигина таъсир беручи сўзлар кўйилса, ул шеърнинг таъсири, албатта, яхширок бўлар. Мана шеърда вазн ва кофия безаги (зийнати) шудир.

Энди мусулмонликдан сўнгра турк шоирларининг кабул этдиги вазнга бокайлик. Турк шоирларининг мусулмонликдан сўнгра кабул килган вазнлари тубда араб вазнидир. Эронлилар бу вазни араблардан кабул этиб олгандан кейин ўз шеърларини ўйноки ва назм рухига кўра ўзгартканлар, ислох этканлар. Бу кун бизнинг орамиздаги «вазн» шул эронлилар томонидан ўзгартирилган вазндирким, араб ваз-ниндан бир оз айирмаси бордир. Дунё сахнасинда «иярув-таклид»нинг рўлини хеч бир миллат биз турклар каби адо эта олмагандир! Биз кайси бир миллатнинг кайси бир нарсасига таклид этмакчи бўлсак, ўзимизнинг миллий рухимизга карамасдан таклид этамиз. Араблар кайси бир улусдан кайси бир сўзни олганда ўз шеваларига кўра бузуб олганлар. Бир арабни ўлдирсангиз (хам) «Петроград-Петрас-бург» демайдир. «Битрожрад-Битрасбург» дейдир. «Франсик» демайдир «афранж» дейдир ва, шундай килиб, ўз тилининг истиклолини саклаган бўладир. Арабларга иярмак билан махтаниб юрган бизлар эсак, арабнинг бу яхши килигина бутун карши кетамиз. Тилимизга кўб кофияли араб сўзини эмас, унинг имлосини ҳам ўз сўзимизнинг имлосига караб ўзгартмакни «фарз» деб биламиз! Эронлилар араб сўзини ўз тилларига караб ўзгарткан эканлар, биз эронлилардан шеър вазни остида ўз рухини эмасда, тилимиздан чикарган еринда шеър вазнида бўлса; биз шеърнинг ўзини олганмиз (яшасун таклид!). Холбуким, эрон вазни билан туркча шеър ёзуб турк улусига ўкутмок мумкин эмасдир. Форси(й)ча дунёнинг энг ўйноки ва нозли сўзларидандир. «Вазн» чанбаринда театру сахнасиндаги кизлар каби ўйнаб турадир. Турк сўзи эса, огир, викорли, гавдалидир. «Мафоъийлун, мафоъийлун»

чанбаринда ўйнаб турмок нари турсин, вазнга кира олмайдир, сигмайдир. Эрон вазнида туркча шеър ёзганлар ики турли ишка мажбур колалар. Биринчиси, шеър орасинда кўбрак арабча сўзлар киргузалар. «Мафотийлун» вазнини туркча сўзлардангина тўлдуролмайлар. Икинчиси, вазн раияси билан туркча сўзларнинг гавдасини бузарлар, эрон вазнида шеър айткон бутун турк шоирлари шул ики касалга тутилганлар, бирортаси хам кутула олмаган. Туркча шеърда арабча, форсча сўзлар киргузган турк шоирларимизнинг хар холда билгили бир йўллари бор эди. Ундан хам сўзнинг маънисини англаб ўз еринда кўя(р) эдилар. Хозирги шоирларимиз эсалар, бус-бутун йўлсиз ва коидасиз кета(р)лар. Нетайким, нурли шоирларимиздан бири «ёзувчилар уюшмаси»га бир шеър ёзмиш. Шеърнинг биринчи мисраъ(с)и шудир:

Куч билан босган йўлинг миллата «рохи алхамду».

Шу шеърдаги «рохи алхамду» сўзига кўнмасак мумкин бўлмайдир, «рох» форси(й)ча бир сўз, «хамд» арабча сўздир. «Ал» сўзи арабча «изофа» коидасига карши бирлашдиришдир. Ўз тилларини «аслан англаш шаркияда матлабдир» деган бир кисм ислох шоирлари хам бўйла бир ишка кулибгина карайдир.

Туркча сўзларнинг гавдасини бузмай олмогга кўб тиришкан шоир Навойидир. Навойининг шеърларинда гавдаси бузилган сўз оз кўринадир. Демак, Навойи хазратлари бу ишнинг совуклигини онгламиш, бироқ ўзини бутун куткара олмашишдир. Мисол айтиб, Навойининг шул шеърини кўрсатамиз:

Юзингни кўриб, мени рамида

Ишк ўтига бўлгали гирифтор.

Шул байтдаги «юз» сўзини бузуб «юзз» килмагунча вазн тўгри келмайдир.

Эмди шул ики ишка шеърларни, байтларни охтарайлик. Юкорида сўйлаган эдикким: зохиран ўз юракиндаги эзгу туйгуларини сўзлар воситаси билан бошқаларга бериб ўткармакчи бўладир. Бошка турли айтканда: шоир сўз оркали бошқаларга таъсир этмакчи бўладир. Бунинг учун шоирга керакдикким: сўзларининг яхши кабул бўлишига тиришсун, шеърни бузгучи сўзлардан узоклашиб турсун.

Биламизким, хар улус ўзининг миллий мусикасини, миллий тилини кўбрак севар, бунлардан кўбрак таъсир оладир. Бир турк кўб йиллар Оврўпанинг музика мактабида ўкуган бўлсун. Оврўпанинг музикасини неча йиллар кулок солган, неча йиллар тинглаган бўлсун. Бир кун Туркистонга келиб эски турк мусикасини эшитканда бошка холга тушар. Оврўпа музикасида кўра олмадиги таъмнида келиб эски турк музикасида кўрадир.

Мана шу хол тил тўгрисида очикрок ва буюкракдир. Негаким, тил улуснинг эски бир нарсасидир. Усмонли хукуматининг аскарий хидматига кирган донгли немис жинероли «Фундургрухич» пошонинг усмонли чериклари (нафарлари) тўгрисида шуйла бир мутолааси бор. «Фундургрухич» пошо дерким: «Усмонли нафарлари асру урушган эрурлар, буни хар ким биладир. Бунларнинг бир урушга келишлари «дин»

кўлкасиндандир, бунларда «дин» сезгиси кучлидир. Бироқ бунларга «вазн» сезгиси бермак бўлмайдир. Негаким: «вазн» сўзининг туркчаси йўқдир. «Вазн» арабчадир, турк олдида ёт сўздир. Ёт сўз нима бўлса хам сафо истаган таъсирни бера олмайдир».

Яхшигина пиширилган паловдан бир огиз олиб хордик билан чайнаб туришлик кишининг тишига тош текиб колса кайфи кандай кочар? Ёт бу сўзга учраган туркнинг хам кайфи шуйла кочадир. «Туркники» деб ўкуб турган шеърда ёт сўзга учраб, кайфини кочирган боякиш турк туркча сўзлардан хам бир-икисининг гавдасини бузук кўргач, у шеърдан безадир. Икинчи йўла уни ўкумокчи бўлмас.

Мана шунинг учундикким: турк шоирлари ўз шеърларини турк кўбчилигига маъкул кила

олмаганлар. Ўзлари туркча айтгач, шеърларининг совуклигини кўргач, форсийча ёза бошлаганлар.

Форси(й)ча шеър сўйларга берилган кўб турк шоирлари бор. Уларнинг бу ишлари учун кўб сабаблар кўрсатиладир. Бирок менга ул сабабларнинг биринчиси, Эрон вазнидан тугилган шул кабохатлардир. Туркча шеърнинг ўзига кўра бир узри бор. Эрон вазнида сўйламак фикрий шул тонуклар ила чурутилгач, турк вазнининг олий (суфати) колиб кетадир. Уни бошка бир маколада сўйлармиз.